

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Бухоро тумани

2023 йил 4 июль

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси Д.Чориевнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Шодиевнинг котиблигида, аризачи **Бухоро шаҳар солиқ инспекциясининг** жавобгар **“Asadbek Furqat Zilola”** масъулияти **чекланган жамиятига** нисбатан ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган ишни ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар **“Asadbek Furqat Zilola”** масъулияти **чекланган жамияти** (кейинги ўринларда матнда “жавобгар” деб юритилади) солиқ органига **2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича** солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаган. Шу сабабли **Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси** (кейинги ўринларда матнда “аризачи” деб юритилади)нинг қарори билан жавобгарнинг ҳисобварақлари бўйича барча чиким операциялари ўн кунга тўхтатилган. Жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги сабабли аризачи иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлсада, аризачи ва жавобгар вакиллари суд мажлисида иштирок этмади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда “ИПК” деб юритилади)нинг 220-моддасига асосан суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд, ишни тарафлар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Судга аризачи томонидан юборилган маълумотномага кўра, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари топширилмаган.

Суд, ишдаги барча ҳужжатларни ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (кейинги ўринларда матнда “СК” деб юритилади) **470-моддасининг учинчи қисмига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига қуйидаги муддатларда тақдим этилиши:**

1) ҳисобот даври якунлари бўйича — ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;



2) солиқ даври яқунлари бўйича — солиқ давридан кейинги даврнинг 15 февралидан кечиктирмай;

Ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича солиқни тўлаш тегишли ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлсада, жавобгар томонидан белгиланган муддатда **2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича** солиқ ҳисоботи солиқ органига тақдим этилмаган.

СК 82-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СК 111-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Суд, аризачининг судга юборган маълумотномасига кўра солиқ ҳисоботи суд мажлиси кунига қадар ҳам тақдим қилинмаганлигини инобатга олиб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божи



тўлашдан озод қилинганлигини ҳамда электрон тарзда юритилганлигини инобатга олиб, суд суд харажатларини ундирмасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 222-моддаларини қўллаб суд,

қарор қилди:

Арз қилинган талаб қаноатлантирилсин.

Жавобгар **“Asadbek Furqat Zilola”** масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялар (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) жавобгар томонидан **2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича** солиқ ҳисоботини тақдим этилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасининг биринчи қисмига асосан тўхтатиб турилсин.

Ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар **“Asadbek Furqat Zilola”** масъулияти чекланган жамияти томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ хизмати органининг тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор) асосида хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори ўн кундан сўнг кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали ўн кунлик муддат ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

Судья

Д.Чориев

